

## Таъзия



21:13 / 11.07.2019 1297

«Хилол» нашриёт-матбаа мажмуаси ҳамда Ислom.uz портали жамоаси – Муфтий Усмонхон Алимов ҳазратларига укаси Ислomхон Алимовнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Аллоҳ таоло марҳумнинг барча чеккан заҳматлари, тортган дардларини кaffорот қилиб, барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, Ўзининг шомил мағфиратига, чексиз раҳматига олсин.

Ушбу мусибат дамларида марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз, ҳақларига дуо қилиб, самимий ҳамдардлик билдирамиз. Парвардигоримиз марҳумни Ўзининг раҳмати ва мағфиратига буркасин, ортларида қолган аҳли байти ва фарзандларига сабру салвон берсин!

**«Сабрлиларга хушхабар берингки, улар ўзларига мусибат етганда «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», деганлардир».**

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!